

Процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги суд қарорларини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилишга асос бўлади.

Шаҳар ҳокимлиги жавобгарлар О.Ҳусановага нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган дўконни мажбурий тартибда бузиш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

О.Ҳусанова шаҳар ҳокимлигига нисбатан қарши даъво билан мурожаат қилиб, ўзлари томонидан қурилган савдо дўконига эгалик ҳуқуқини белгилашни сўрашган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2009 йил 16 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, О.Ҳусанова томонидан ўзбошимчалик билан қурилган савдо дўконини унинг ҳисобидан мажбурий тартибда буздириш белгиланган.

О.Ҳусанованинг қарши даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 16 июндаги ажрими билан ҳал қилув қарорининг О.Ҳусанованинг савдо дўконига эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақидаги қисми ўзгартирилиб, ушбу талаб судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юритишдан тугатилган.

Ҳал қилув қарорининг О.Ҳусановага нисбатан савдо дўконини буздириш ҳақидаги қисми бекор қилиниб, ишнинг шу қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Вилоят суди раёсатининг 2010 йил 23 декабрдаги қарори билан мазкур иш бўйича апелляция инстанциясининг 2010 йил 16 июндаги

ажримининг О.Хусановага нисбатан савдо дўконини буздириш қисмини иш юритишдан тугатиш ҳақидаги қисми бекор қилиниб, ишнинг шу қисми янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 26 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарорининг О.Хусановага нисбатан савдо дўконини унинг ҳисобидан буздириш ҳақидаги қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 8 августдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Аниқланишича, шаҳар ҳокимининг 2008 йил 15 апрелдаги 108-сонли қарори билан жавобгарга 18,0 кв.м.дан иборат ер майдонида енгил типдаги савдо шохобчаси қурилиши учун лойиҳалаштириш ишларига рухсат берилган бўлиб, улар лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, танланган ерда савдо дўкон қурган ва ундан фойдаланиб келган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 314-моддаси 2-бандига кўра, иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилиниши шарт.

Суд ишни Фуқаролик процессуал кодексининг 174-моддаси тартибида жавобгарларнинг иштирокисиз кўрган бўлиб, иш ҳужжатларида улар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида

тегишли тартибда хабардор қилинганликларини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас.

Фуқаролик процессуал кодексининг 53-моддаси 4-қисмига кўра, давлат бошқаруви органларининг, мансабдор шахсларнинг вакиллари тегишли орган раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг имзоси билан бериладиган ишончнома бўйича иш юритадилар.

Судда даъвогар вакили сифатида шаҳар ҳокимлиги ҳуқуқшуноси иштирок этган бўлиб, унинг ваколатлари Фуқаролик процессуал кодексининг 53-моддаси 4-қисмига мувофиқ расмийлаштирилмаган.

Жавобгарнинг савдо дўконига эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги қарши даъво аризаси бўйича шаҳар ҳокимлиги жавобгар сифатида жалб қилиниб, қарши даъвога муносабати аниқланмаган.

Апелляция инстанциясига тақдим этилган ҳокимлик ишонномаси уни берган мансабдор шахс томонидан имзоланмаган.

Ушбу камчиликларга апелляция ва назорат инстанциялари томонидан етарли эътибор қаратилмаган.

ФСХ-158-11-сонли ажрим